

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МУРОДОВА НАЗИРАХОН ИЛҲОМЖОН ҚИЗИ

ИНГЛИЗ, РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЭНАНТИОСЕМИЯНИНГ
СТРУКТУР-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик
ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УДК 811.111:811.161.1:811.512.133

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам
Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Муродова Назираҳон Илҳомжон қизи

Инглиз, рус ва ўзбек тилларида энантиосемиянинг структур-семантик
хусусиятлари.....5

Муродова Назираҳон Илҳомжон қизи

Структурно-семантические особенности энантиосемии в английском,
русском и узбекском языках.....25

Murodova Nazirakhon Ilkhomjon kizi

Structural-semantic peculiarities of enantiosemy in English, Russian and
Uzbek languages.....54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works55

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МУРОДОВА НАЗИРАХОН ИЛҲОМЖОН ҚИЗИ

ИНГЛИЗ, РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЭНАНТИОСЕМИЯНИНГ
СТРУКТУР-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик
ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil1595 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий Университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Джумабаева Жамила Шариповна**
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Маматов Абди Эшонкулович**
филология фанлари доктори, профессор

Эргашева Гули Исмаиловна
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2020 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 10074, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. Тел: (99871) 246-08-62; (99871) 227-10-59; факс: (99871) 246-65-24 e-mail: nauka@nuu.uz.
Ўзбекистон Миллий университети, Бош бино (7-қават, 77-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___) рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. Тел: (99871) 246-08-62

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

А.Г.Шереметьева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

Г.С.Курбанова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

И.А. Сиддиқова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Дунё тилшунослигида энантиосемияни семасиологик йўналишда ўрганишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Энантиосемия доимий равишда олимлар нуқтаи назарида бўлган бўлса-да, унда ўрганилмаган масалалар мавжуд. Тил ва нутқнинг асосий таркибий материаллари сифатида сўзнинг лексик маънолари ва уларнинг турларини таҳлил қилиш, уларда тилнинг ички тузилмаси, сатҳлари ва бирликларини илмий асосда тадқиқ этишга қизиқиш ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан энантиосемиянинг семасиологик жиҳатлари тадқиқи жаҳон тилшунослигида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон тилшунослигида сўзнинг семантик тузилиши, бир сўз ичидаги карама-қарши маънолардаги метафорик ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари тилшуносликнинг когнитив, прагматик ва лингвомаданий йўналишлари доирасида тадқиқ қилинмоқда. Бинобарин, кўп маъноли сўзлар, карама-қарши маъноли сўзлар таржимаси, шунингдек, уларнинг турли тизимли тилларда контекст бўйича эквиваленти муаммолари, сўзларнинг кўп маънолигини ўрганиш энантиосемия билан чамбарчас боғлиқликда амалга оширилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, тилларни қиёсий-типологик жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш, кўп маъноли ва карама-қарши маъноли сўзларнинг семантик белгиларини таснифлаш принципларини ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотларни ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик йўналишда олиб бориш лозимлиги талаб этилмоқда.

Мустақиллик даврида ўзбек тилшунослигида антонимия, полисемия, гипонимия, партонимия, градуонимия ва энантиосемия каби ҳодисаларнинг муаммоларини ўрганишга алоҳида қизиқиш уйғонди. Бироқ мавжуд лингвистик адабиётларда айрим тиллардаги энантиосемиянинг алоҳида хусусиятлари, асосан, антонимия, полисемия, омонимия каби тил ҳодисалари билан боғлиқликда ўрганилган. Турли тизимли тилларда энантиосемиянинг тил ва нутқдаги семантик ҳамда структуравий хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиш зарурати мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди. Айниқса, инглиз тилининг халқаро мулоқот тили сифатида ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб келаётгани ижтимоий муаммоларни хорижий тиллар контекстида ўрганиш истиқболларини белгилаб берди. Глобаллашув даврида чет тилларни ўрганиш тизимини, фан ва таълим интеграцияси жараёнларини такомиллаштиришнинг муҳим омили сифатида қаралиши «нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак»¹ лиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 й. электрон манзил: <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>.

“Ўзбек тилини давлат тили сифатида нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Энантисемиа ҳозирги кунда кўпгина тилларда кузатиладиган жуда кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланади. Унинг асосий хусусияти – нутқда лексик бирликларнинг турлича тушунишга олиб келишидир. Энантисемиа ҳодисасининг ривожланиши ҳақидаги манбалари тўғрисида турли даврларда араб тилшунослари Абу Бакр ибн ал-Анбарий (X аср), немис тилшунослари К. Абель ва Т. Нольдеке, америкалик тилшунослар R. Lederer, ва J.Finkin, Европа тилшуносларидан А. Klegr, В.И. Шерцль¹, рус тилшунослари Л.Е. Бессонова, Е.Х. Жаркова, В.Н. Цоллер, Г.В. Яцковская, Л.А. Булаховский, М.Ю. Бродский, Б.Т. Ганеев, В.Ю. Кравцова, Л.Р. Махмутова², ўзбек тилшунослари Н.К. Солихова, Н. Махмудов ва Ё.Р. Одилов³ тадқиқот олиб боришган.

Ушбу тадқиқотларда энантисемиа битта тил доирасида ўрганилган. Энантисемиани турли тил материаларида комплекс тадқиқ қилиш орқали

¹ Abel C. *Über den Gegensinn der Urworte*. Leipzig: Verlag von Wilhelm Friedrich 1884 Шерцль В.И. О словах с противоположными значениями (или о так называемой энантисемии) // [Соч.] В.И.Шерцля. – Воронеж: тип. Исаева В.И. 1884; Noldeke Th. *Wörter mit Gegensinn (Addad)*. Neue Beiträge zur semitischen Sprachwissenschaft // Berlin, 1910; Lederer R. "Curious Cononyms" *Word Ways*: Vol.11: Iss.1, Article 10. 1978; Finkin J. *Enantiodrama: Enantiosemya in Arabic and beyond*. Bulletin of the School of Oriental and African Studies, 68, 2005; Klegr A. *The limits of polysemy: enantiosemy*. Prague, Linguistica Pragensia 2/2013;

² Бессонова Л.Е. Энантисемиа как особый тип в системе лексических противопоставлений // Проблемы лексической и категориальной семантики. – Симферополь: СГУ, 1982/ – Вып. 2. – С. 27–31; Жаркова Е.Х. Энантисемиа лексико-грамматического и словообразовательного типа в кругу смежных явлений (На материале имен существительных русского языка // Дис. ... канд. филол. наук. – М., 1988. – С. 170; Цоллер В.Н. Эмоционально-оценочная энантисемиа фразеологизмов // Филологические науки. 2000. №4. – С. 56 – 64; Яцковская Г.В. Энантисемиа в современном немецком языке // Дис. ... канд. филол. наук. – М., 1976; Булаховский Л.А. Развитие противоположных значений // Русская речь – М.: Наука, 1988. – №2. – С. 68–70; Бродский М.Ю. Лексическая энантисемиа в сопоставительном аспекте (на материале современного англ. и франц. языков), дис. на соискание ученой степени к.ф.н. – Екатеринбург, 1998; Ганеев Б.Т. Первоначальная энантисемиа и диффузность в языке, вестник ОГУ, 4, 2003; Кравцова В.Ю. Энантисемиа лексических и фразеологических единиц: язык и речь. дисс. канд. филол. наук: 10.02.19. – Ростов н/Д, 2006; Махмутова Л.Р. Основные типы энантисемии в русском языке. дисс. канд. филол. наук: 10.02.01. – Казань, 2009;

³ Солихова Н.К. Энантисемиа в языке и речи // Исследование языковых единиц в функциональном аспекте. – Ташкент, 1989; Махмудов Н. Зиддият ва маънотараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2014. – №3. – Б.16-25; Махмудов Н. Зиддият ва жуфтсўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2014. – № 5. – Б.3-9; Одилов Ё.Р. «Энантисемиа в узбекском языке», 10.00.01 – Узбекский язык. Узбекская литература (филологические науки), Автореферат докторской диссертации. – Ташкент, 2016.

лексик-семантик категориялар билан бир қаторда алоҳида ўрин тутиши керак деган хулосага келдик.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Турли тизимдаги тилларнинг қиёсий-типологик хусусиятлари” мавзуси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз, рус ва ўзбек тилларида энантиосемиянинг структуравий семантик ўзига хослигини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

энантиосемиянинг назарий ва амалий асосларини ўрганиш;

энантиосемиянинг асосий турлари таснифини ишлаб чиқиш;

бадий адабиёт ва жонли нутқ матнларида энантиосемик бирликларни қўлланилишини таҳлил қилиш;

инглиз, рус ва ўзбек тилларида энантиосемиянинг структур ва семантик хусусиятларини чоғиштира тадқиқини амалга ошириш;

энантиосемиянинг янги турлари ва уларнинг бошқа тилларда мавжудлигини аниқлаш;

энантиосемик бирликларнинг таржима қилиш усулларини аниқлаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини W.Irving "Sleepy Hollow", Е.Улицкаянинг "Лестница Якова", А.Қодирийнинг "Ўткан кунлар" асарларидаги ҳамда инглиз, рус, ўзбек тилларидаги фразеологик луғатлардаги лексик ва фразеологик энантиосемия ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини энантиосемиянинг чоғиштирилаётган тиллардаги структур ва семантик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда семантик таҳлил, компонент таҳлил, миқдорий таҳлил, кузатиш ва изоҳлаш каби усулларида фойдаланилди, шунингдек, чоғиштириш, қиёслаш, лексикографик, контекстуал таҳлил, ёзма сўров (лингвистик интервью олиш) ва ассоциатив тажриба усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги куйидагилардан иборат:

турли тизимли тилларда энантиосемиянинг лексик, фразеологик, метафорик, таклид, нутқий, шевага хос, тиллараро каби турлари аниқланган;

энантиосемиянинг универсал белгилари – қарама-қаршилик ва маъноларнинг иккиланиши, фарқланувчи белгилари – битта сўзда қарама-қарши маънолик, коннотатив маъно, интенсификация, баҳолаш каби мезонлар нутқда просодик тил воситалари орқали очиб берилган;

инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги энантиосемиянинг тўлиқ ва нотўлиқ, ясама ва ясалмаган структур хусусиятлари, лексема, аффикс ва фраземалар маъносига кўра семантик хусусиятлари асосланган;

энантиосемиянинг янги турлари – концептуал энантиосемия ва мурожат энантиосемияси аниқланиб, улардан концептуал энантиосемия

чоғиштирилаётган тилларда мавжудлиги, мурожат энантиосемияси эса фақат ўзбек тилида мавжудлиги далилланган;

энантиосемик бирликларнинг таржима қилишда сўзма-сўз, муқобил ёки аналогларини топиш орқали таржима қилиш усулларидадан фойдаланиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз, рус, ўзбек тиллардаги энантиосемик сўзларнинг семантик-структур хусусиятларидан олий ўқув юртлари ва ўрта таълим муассасаларида инглиз, рус ва ўзбек тилларининг қиёсий типологиясини ўрганишда фойдаланилган;

инглиз, рус, ўзбек тиллардаги энантиосемия ҳодисасининг лингвистик хусусиятлари филология йўналишларида лексикология, диалектология, стилистика, таржима назарияси ва амалиёти, умумий ва қиёсий тилшунослик курсларида қўлланилган;

энантиосемик сўз ва ибораларнинг таҳлили ва изоҳларидан семасиология, лексикология, диалектология, стилистика, грамматика, қиёсий типология, шунингдек, лексикографик амалиётда энантиосемик сўзлар луғатини тузишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ва бадиий манбалардан олинган ёндашувлар, усуллар ва маълумотларнинг қўлланилганлиги, луғат таърифларини таққосланганлиги ва таҳлил қилинганлиги, республика миқёсидаги ва хорижий журналларда, республика ва хорижий илмий конференциялар тўпламларида мақолалар нашр қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти энантиосемиянинг айрим турларини бир тилда ёки бир нечта тилларда қиёсий ўрганишга оид назарий хулосалардан лексикология ва лексикография йўналишларидаги ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан "Умумий тилшунослик", "Чоғиштирма тилшунослик", "Таржима назарияси" фанларидан дарслик, ўқув қўлланма, мажмуалар яратишда, инглизча-русча-ўзбекча энантиосемик сўзлар луғатини тузишда, лексикографик луғатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз, рус ва ўзбек тилларида энантиосемиянинг структур-семантик хусусиятлари тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги энантиосемиянинг лингвокогнитив хусусиятларига оид илмий хулосалардан ОТ-Ф1-18 рақамли "Оммавий тил маданиятини шакллантириш усули ва методологиясини ишлаб чиқиш" (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги 89-03-3181-сон

маълумотномаси). Натижада талабаларда турли тизимли тилларда энантиосемиянинг лингвокогнитив хусусиятларини қиёсий-чоғиштирма услубда ўрганиш кўникмаларини шакллантиришга эришилган;

чоғиштирилаётган тиллардаги энантиосемиянинг семантик турлари хусусидаги тадқиқот натижаларидан Россия Федерацияси ва Қозғистон билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Ёшлар Евроосиё йўли: ҳамкорлик, замонавий дипломатияда ривожланиш ва инновация” халқаро амалий лойиҳасида фойдаланилган (Россия Федерацияси Президенти грантлар Фондиниң 2020 йил 3 августдаги 20-2-008224-сон маълумотномаси). Натижада энантиосемиянинг концептуал энантиосемия ва мурожаат энантиосемияси каби янги турлари “Инглиз ва рус тилларининг қиёсий типологияси”, “Лексикология”, “Умумий ва қиёсий тилшунослик”, “Таржима назарияси ва амалиёти” каби янги дарслик ва ўқув қўлланмалари учун манбаларни бойитишга хизмат қилган;

энантиосемияни бошқа лексик бирликлар билан бир қаторда аниқ тушунишга ёрдам берадиган илмий қарашлардан Фарғона телеканалининг “Жараён” ва “Келажак” дастурлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Фарғона вилояти телерадиокомпанияси 2020 йил 2 июндаги 12-01/51-сон маълумотномаси). Натижада телетомошабинларнинг турли тизимли тилларда сўзнинг семантик хусусиятини ифодаловчи энантиосемия ҳодисаси бўйича хулосаларини бойитишга эришилган;

таҳлил қилинган мисоллар асосида 200 дан ортиқ энантиосемик сўз ва ибораларнинг таҳлили ва изоҳларидан “Энантиосемик сўзларнинг қисқа луғати” (инглизча, русча, ўзбекча)ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигининг 2020 йил 18 сентябрдаги 002448-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг лексикографик луғат манбаларидан янада кенгрок фойдаланиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та илмий-назарий конференцияда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш ва 1 та луғат эълон қилинган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шулардан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 145 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Энантисемиянинг инглиз, рус ва ўзбек тилларида ўрганилишининг тарихий ва назарий асослари”** деб номланган биринчи боби энантисемиyani тадқиқ қилишга (сўз ичи антонимияси), ушбу ҳодисани инглиз, рус ва ўзбек тиллари материали асосида тарихий ўрганишга бағишланган. “Энантисемиyani лингвистикада тадқиқ қилиш” деб номланувчи биринчи параграфда тилшуносларнинг Х асрдан бошлаб энантисемиянинг ўзига хослиги ва ушбу ҳодисанинг пайдо бўлиш шароитлари, ҳамда унинг хорижий ва маҳаллий тилшунос олимлар томонидан ўрганилиши, энантисемиyani луғат орқали таърифланиши хусусидаги фикрлари баён қилинган. Кўпгина олимлар томонидан келтирилган энантисемия атамалари кўриб чиқилган. Бунда асосан энантисемиyani тил тизимида лексик ва фразеологик сатҳларда ўрганишга катта аҳамият берилган бўлиб, инкор, эмоционаллик, антонимия, икки маънолилиқ, омонимия, полисемия – нутқимизни бойитувчи бу лисоний воситаларнинг барчаси “энантисемия” ҳодисасини бирлаштириши ҳақида фикрлар баён этилган. Энантисемиyani ўрганиш тарихи Х асрдан, Абу Бакр Ибн Ал-Анбарийдан бошланади. Кейинчалик уни Шерцль, Абель, шунингдек, бошқа М.Шлесингер, М.Линн Мерфи, Д.Гирартс, Ж.Трейн, Д.Геймон, Ж.Финкин ва А.Клегр каби Европа тилшунослари ўрганишни бошлашди. Рус тилида ушбу ҳодисани ўрганишга В.В.Виноградов, Л.А.Новиков, Л.В.Бессонова, Е.Х.Жаркова, В.Н.Цоллер, Г.В.Яцковская, Л.А.Булаховский, М.Ю.Бродский, Н.К.Салихова, Б.Т.Ганеев, В.Ю.Кравцова, Л.Р.Махмутова ва бошқа тилшуносларнинг тадқиқотлари бағишланган. Ўзбек тилида энантисемиyani С.Усмонов, Н.Махмудов, Ё.Р.Одилов каби тилшунослар тадқиқ қилишган.

Авто-антонимия, омоантономия, аздад, антисемия, контронимлар, Янус сўзлар (*Janus words*) ва ҳоказо каби энантисемиянинг турли номлари мавжуд бўлиб, ушбу лексик ҳодисани ўрганувчи лингвистиканинг бўлими *энантисемиантика* деб номланади.

Энантисемияга қуйидагича ишчи таърифимизни бердик – битта сўз ёки иборада карама-қарши маъноларнинг қутблашуви бўлиб, ўзида “полисемия ва антонимия ўртасидаги” жараёни туташтиради.

Биринчи бобнинг иккинчи парагрифида “Энантисемия ва у билан боғлиқ ҳодисалар” тадқиқ қилинади. Сўнгги пайтларда тилшунослар

томонидан тузилган энг умумий тушунчага кўра қуйидаги парадигматик каторларни аниқлаш мумкин: синонимик бирликлар (фонетик сатҳда турлича, лексик сатҳда ўхшаш), антонимик бирликлар (фонетик сатҳда турлича, лексик сатҳда қарама-қарши), омонимик бирликлар (фонетик сатҳда бир хил, лексик сатҳда турли хил), энантиосемик бирликлар (фонетик сатҳда бир хил, лексик сатҳда турли хил). Бу ерда қуйидаги жиҳат муҳим: бир хил сўзларнинг қарама-қарши маъноси бўлганлиги билан улар лексик жиҳатдан мос бўлмаслиги мумкин, антонимиядан асосий фарқи ҳам шунда¹. Шундай экан, энантиосемия лексик семантиканинг мустақил туркуми сифатида ажралиб туради. Шу сабабли ҳам ушбу концепцияга тўлиқ ва бутун таъриф зарур.

Бир қарашда энантиосемия омонимияга, полисемияга ёки антонимияга ўхшаш бўлса-да, бу ходисаларнинг семантик хусусиятларини ўрганишда муҳим фарқларни топиш мумкин. В.В.Виноградов, Н.М.Шанский, Е.В.Теренььева, Н.А.Абрамов, Т.А.Федоренколарнинг фикрича, энантиосемия сўз ичида маънонинг қарама-қарши фарқлари натижасида пайдо бўладиган турли хилликни акс эттиради². Омонимлар бу талаффузи бир хил, бироқ маъносига кўра мутлақо бошқа сўз. Таъкидлаш керакки, энантиосемия каби қарама-қарши маъно битта сўзда мавжуд бўлиши уларда кузатилмайди, масалан:



Агар сўз шакллари турлича бўлса, семантик жиҳатдан бир-биридан аниқ ажратилган ва сўз ҳосил қилиш алоқалари билан қиёсланганда сезиларли даражада фарқ қилади ва деривацион аҳамиятини йўқотмайди, шунинг учун бу омонимия. Омонимик бирликлар муносабатида доим икки ёки ундан ортиқ турли сўзлар мавжуд бўлиб, улар умумий семантик хусусиятларга эга бўлмайди. Шунингдек, энантиосемия *полисемия* ва *антонимиядан* ҳам фарқ қилади. Буни мисолларда кўрамир:

Полисемия

¹Садчикова И.В. Энантиосемия как способ сосуществования противоположных оценочных компонентов в семантике слова //Известия Самарского научного центра Российской академии наук. – 2009. – Т. 11. – №.4-5.

²Романчук Ю.В. Энантиосемия и смежные с ней явления. [Universum: филология и искусствоведение](http://7universum.com/ru/philology/archive/item/8220):электрон. научн. журн. 2019. № 11(68). 7universum. com/ru/ philology/archive/item/8220.



Полисемия – битта сўзнинг одатий характерадаги бир нечта маънога эга бўлиш қобилиятидир. Мисолдан кўриниб турибдики, майдон сўзи семантик жиҳатдан *экин*, *шахмат*, *футбол* ва бошқа сўзлар билан яқин бўлиши мумкин. М.И.Фоминанинг фикрига кўра, кўп маънолилик – битта сўзнинг ўзаро боғланган ва мураккаб семантик бирлик ҳосил қилувчи, элементлари муайян белгилар билан бир-бирига яқин бўлган бир нечта маънога эга бўлиш хусусиятидир¹. Бироқ, Ф.С. Бацевичнинг таъкидлашича, «жонли нутқда қарама-қарши маъноли сўзларнинг вазифа бажаришига кўра кузатишлар энг ишончли нуқтаи назарни асослашга имкон беради, яъни энантиосемия бу кўп маънолилик ҳодисасидир»². Бу ерда ҳам энантиосемия кўп маъноли ҳодиса сифатида қаралмоқда. Шундай қилиб, ушбу нуқтаи назар тарафдорлари энантиосемия, одатда, бу сўзнинг асл маъносининг ривожланишидан келиб чиқадиган бир хил сўзда бир нечта маъноларнинг мавжуд эканлигини таъкидлашади. Ушбу таърифда муҳим бўлган нарса, энантиосемик сўзлардаги маънолар ҳақиқатан ҳам бир-бири билан боғлиқ бўлади. Бироқ бу ерда яна бир тушунчанинг етишмаслиги кўриниб турибдики, таърифлашда кўрсатилганидан кам бўлмаган муҳим хусусият мавжуд: бу эса умуман бошқа лексик категория – антонимияга тегишлидир (энантиосемик сўзлардаги қарама-қаршилиқ маъноси). Кўп маънолиликда лексеманинг бир нечта маъноси одатда ушбу сўзнинг асл маъноси ривожланиши натижасида юзага келади. Бу жараён қонуниятлар асосидаги ҳодиса бўлиб, муайян доимийлик хусусияти билан характерланади.

АНТОНИМИЯ



Энантиосемия антонимия билан чамбарчас боғлиқ. Л.А.Новиков, М.В.Панов, Л.И.Климова, Л.Е.Бессонова, Р.А.Будагов, О.М.Соколов, В.Н.Прохорова, М.А.Кронгауз ва бошқа тилшунослар энантиосемияни

¹ Фомина М. И. Современный русский язык: Лексикология. – М.: Высш. шк., 1983. – С.63.

²Бацевич Ф.С. Типология энантиосемичных значений глаголов в современном русском языке // Исследования по семантике: Сборник статей. - Уфа, 1986. – С. 33 - 40.

антонимиянинг бир тури деб ҳисоблашади. Антонимлар сифат тушунчаларининг ифодаланиши билан қандайдир бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган сўзлар доираси билан чегараланади. Шу жиҳатдан антонимлар синонимлардан ва тилда анча катта таъсир доирасига эга бўлган полисемия ходисаларидан фарқ қилади¹. Баъзи олимлар энантиосемияни антонимия ходисаси деб тахмин қилишади. Антонимия ва энантиосемиянинг ўхшашликлари мавжуд бўлса-да, аммо биз бу фикрга қўшилмаймиз. Антонимия – бу турли ўзакларнинг ёки бир хил ўзакка эга бўлган сўзларнинг қарама-қарши маънога эга бўлишидир, яъни бунда улар бир хил сўз туркумига хос бўлиши керак, айтилиши ва ёзилиши ҳар хил, маънолари бир-бирига зид бўлган сўзлардир. Энантиосемияда ҳам шундай антонимиядаги каби сўзларнинг қарама-қарши маъноси бир хил сатҳда, яъни бир сўз туркумига хос бўлади. Бироқ, энантиосемия шунингдек битта сўз ёки ибора доирасида қарама-қарши семаларни назарда тутаяди, антонимия эса икки ёки кўпроқ сўзлар қарама-қаршилигидир.

Энантиосемия



Энантиосемиянинг антонимия билан яна бир ўхшаш томони шундаки, бунда антонимиянинг контраст, комплементар, вектор қарама-қаршилиқ каби турлар ҳам бу ходисага хослиги Л.Е.Бессонова, М.Ю.Бродский, В.Ю.Кравцова, Л.Р.Махмутова, Ё.Р.Одилов ва бошқа олимлар томонидан аниқланганлиги илгари сурилган. Шундай қилиб, юқоридаги таърифлардан ушбу лексик категорияларнинг мутлақо бир хил эмаслигини кўрамиз, улар барча хусусиятларига кўра бир-бирга қарама-қаршидир. Шунингдек, сўзлар ўзаро омоним бўлишлари учун маъновий боғлиқ бўлмаган икки ва ундан ортиқ маъноларнинг бир сўзда мавжудлигини талаб қилади ва полисемантик бирликлар эса бир-бирига боғлиқ бўлган бир неча маъноларнинг битта сўзда намоён бўлишини назарда тутаяди. Энантиосемия битта лексик бирлик доирасида аниқланса, бошқа нуқтаи назарлардан фарқли ўлароқ, бу ходиса омонимия ёки лексик антонимиядан камида бошқа сўзлардан иборат бўлган ягона лексик бирлик ичидаги қарама-қаршилиқнинг мавжуд эканлиги билан фарқланади. Таъкидланганларнинг барчаси энантиосемияни кўп маънолиқ

¹Будагов Р.А. Введение в науку о языке: Учебное пособие. — М.: Добросвет, 2003. — 73 с.

билан бир хил кўриш унчалик хато эмаслигини кўрсатади, лекин бу қараш бир тарафлама таҳлил қилишга асосланганлиги билан характерланади.

Энантисемиа, шунингдек, киноя билан ҳам узвий боғлиқ. *Истеҳзо* – бу масхара қилиш мақсадида сўз ёки ифодани ўз маъносига тескари маънода қўллашдан иборат бўлган восита (троп)¹. Истеҳзонинг биринчи тури сўзнинг ўзи орқали ифодаланиб, яъни истеҳзо, киноя муайян бир сўзнинг ўзида мавжуд бўлади ва улар луғатда берилганда “киноя”, “истеҳзо” каби белгилар қўйиш орқали кўчма маъноси мавжудлиги кўрсатилган бўлади, бу каби киноя ингерент киноя деб аталади. Истеҳзонинг иккинчи тури фикрнинг лексик мазмуни ва просодия ёки вазият мазмунининг қарама-қаршилигига асосланади. Биз тилшуноснинг сўз, фикр ёки жумланинг ўзида ҳеч қандай истеҳзо йўқлиги, истеҳзо маъноси контекст ва интонация туфайли келиб чиқишини таъкидлашига қўшиламыз². Шу жиҳатдан, энантисемиа истеҳзо билан ўхшашликларга эга, чунки биз тил тизимидаги энантисемиа турларини ва истеҳзонинг контекстуаллиги туфайли энантисемик характерга эга бўлган турларини ажратамыз.

Юқоридаги таърифлардан хулоса чиқариб, омонимия, полисемиа ва антонимия каби лексик категорияларнинг энантисемиа билан мутлақо мос келмаслигини кўрамыз. Демак, полисемиа бир лексик бирликни қамраб олади, омонимия эса маъно жиҳатдан боғлиқ бўлмаган икки ва ундан ортиқ сўзларнинг мавжудлигини талаб қилади. Полисемантик бирлик бир-бирига боғлиқ бўлган бир нечта маъноларнинг мавжудлигини назарда тутади. Бироқ, киноя кўпгина ҳолатларда энантисемиага ҳамроҳ бўлади, чунки бу унинг асосий фарқли белгиларидан бири ҳисобланади.

Энантисемиа терминологияси³

¹ Розенталь Д.Э. Теленкова М.А. Словарь лингвистических терминов. М.:Изд. Оникс, мир и образование. 2008. – 624 с.

² Арутюнова И.С. Контрастивный анализ выражения иронии в Британском и Американском вариантах английского языка: В аспекте филологической фонетики. Дисс....канд.филол.наук — М., 2002. — 145 с.

³ Махмутова Л.Р. Основные типы энантисемии в русском языке. дисс. канд. филол. наук:10.02.01. Казань, 2009.

Абель, 1884	• «противосмысл»
Будагов, 1953	• «своеобразный вид полисемии»
Скиба, 1958	• «особый вид полисемии» и «антонимическая омонимия»
Новиков, 1961; Виноградов, 1975	• «омоантонимия»
Гельбл, 1965	• «внутренняя антонимия» и «внутрисловная антонимия»
Соколов, 1980	• «внутрилексемная антонимия», «антонимосемия»
Пернишка, 1981	• «антисемия»
Жаркова, 1988	• «внутрисловная поляризация»

Юқорида келтирилган атамалардан келиб чиқиб, тилшунослар ушбу ходиса номи борасида узок вақт бир қарорга келишолмади, лекин 1883 йил В.И.Шерцль томонидан киритилган энантиосемия атамаси универсал бўлди.

Биринчи бобнинг учинчи параграфида “Энантиосемия турлари” ўрганилади, бу бўлимнинг ўзи яна уч параграфга бўлинади: “Инглиз тилида энантиосемия турлари”, “Рус тилида энантиосемия турлари”, “Ўзбек тилида энантиосемия турлари”. Ҳар бир параграфда асосан битта тилда олиб борилган энантиосемия турларининг таснифи тасвирланади. Илк марта энантиосемия турлари чоғиштирилаётган тилларда (инглиз, рус ва ўзбек тиллари) тақдим этилди. Инглиз тилида Т.Нольдеке, Р.Ледерер, Ж.Финкин, А.Клегр тадқиқотларида энантиосемиянинг 10 га яқин турлари тасвирланган. М.Ю.Бродский, В.Ю.Кравцова, Л.Р.Махмутова тадқиқотларида рус тилида энантиосемиянинг 20дан ортиқ турлари аниқланган. Ё.Р.Одилов тадқиқотида ҳам ўзбек тилида 20 га яқин энантиосемия турлари тасвирланган.

Тил тизимида энантиосемиянинг турлари таснифи, яъни ўзида энантиосемиянинг лексик, фразеологик ва тиллараро турлари, шунингдек *контекстуал (яъни нутқда)* турларидан метафорик, нутқий, тақлидий, диалектик (шевага хос) энантиосемияларни ўз ичига оладиган ва биз илгари сурган энантиосемиянинг янги турлари – *мурожаат энантиосемияси* ва *концептуал энантиосемия* каби турларини ажратдик.

Энантисемиа турлари таснифи



Диссертациянинг «Энантисемианинг когнитив ва структуравий хусусиятлари», деб номланган иккинчи боби ҳам уч параграфдан иборат бўлиб, биринчи параграфда “Энантисемианинг структуравий ва семантик хусусиятлари” кўриб чиқилган. Биз Л.Р.Махмутова таклиф этган энантиосемиа структурасини маъқуллаймиз. Тилшунос энантиосемианинг асосий бирликлари деб семантик структурада маъносига кўра қарама-қарши вариантлар мавжуд энантиолексема, энантиоморфема ва энантиофразмаларни ҳисоблайди. Энантиосемиа ҳодисаси семантик тузилишида турли қарама-қаршилиқ даражаларига эга турли тил даражалари бирликлари (лексема, аффикс, фразема) билан ифодаланadi¹. Биз қўшишни таклиф қиладиган ягона нарса – бу нутқда энантиосемиадан фойдаланиш хусусиятларининг тўлиқ ҳисобга олишдир, яъни биз энантиосемиани асосий мезон сифатида аниқлашда контекст ва интонация муҳим рол ўйнайди деб ҳисоблаймиз. Энантиосемианинг қиёсланаётган тилларда структур ва семантик хусусиятларини иловада келтирилган жадвалда яъиол кўриш мумкин (Илова 1. 1-3 жадваллар).

Энантисемианинг структур ва семантик хусусиятлари жадвалидан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, морфем тузилишга кўра энантиосемиа ясама ва ясалмаган бўлади. Ясама энантиосемиага сўз ҳосил қилиш жараёни суффиксация ва префиксация натижасида ҳосил бўладиганлар киради. Масалан, *бебаҳо*, *кўриб чиқиш* ва ҳоказо. Ҳосил бўлмаган энантиосемиага туб морфема ҳосил қилувчи қарама-қарши маъноли сўзларни киритиш мумкин. Масалан, *бериб турмоқ* – қарз бермоқ ва қарз олмоқ. Инглиз ва ўзбек тилларида энантиосемиа ясама сўзлар билан ҳам ҳосил бўлади: *priceless*,

¹Махмутова Л.Р. Основные типы энантиосемии в русском языке. Дисс. канд. филол. наук: 10.02.01. – Казань, 2009.

баҳосиз ва ҳоказо. Чоғиштирилаётган тилларда энантиосемия лексема, фразема ва морфема билан ҳосил қилинади.

Қиёсий таҳлилда нутқ материалини қўллаш амалиётида энантиосемик сўз ва маъно пайдо бўлиши учун чекланмаган потенциал имконият қайд этилди. Айнан шунинг учун энантиосемия – турли шакл ва нутқ усулларида фаол қўлланиладиган, кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланади. Айниқса, энантиосемиядан киноя стилистик воситаси сифатида фойдаланиш кенг қўламли ҳисобланади.

Инглиз, рус ва ўзбек тилида нутқда концептуал ва нутқ энантиосемия, бадий матнда лексик ва фразеологик энантиосемия, ўзбек тилида, хусусан, китобий лексикада метафорик энантиосемия устунлик қилади ҳамда ўзбек тилида мурожаат энантиосемияси ўзига хос ва алоҳида ҳисобланади. Олиб борилган таҳлил энантиосемиянинг ҳал қилувчи омили контекст, нутқ ва интонация эканлиги тўғрисида хулоса қилишимизга имкон берди.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида когнитив лингвистиканинг энантиосемия билан боғлиқлиги ва когнитив лингвистика усуллари ўрганилган. Когнитив лингвистика – бу тил ва тафаккурни ўрганувчи тилшуносликнинг бир соҳаси. Когнитив лингвистика пайдо бўлишининг расмий санаси 1989 йил деб ҳисобланади. Шунингдек, когнитив лингвистиканинг пайдо бўлиши “Тил ва идрок” китоби нашр этилиши билан боғлиқ (Жордж Миллер ва Филлипп Жонсон-Лэрд)¹. В.А.Масловага кўра, «Когнитивизм – бу фандаги йўналиш бўлиб, унинг ўрганиш объекти инсон ақли, тафаккури ва улар билан боғлиқ бўлган ментал жараёнлар ва ҳолатлар»². Тилшуносликнинг асосий муаммоларидан бири дунёни инсон онги билан қабул қилишнинг умумий тамойилларидан тил тузилиши ва ташкил этилиши (унинг генезиси ва асл синхрон ҳолати ва фаолиятида) ҳисобланади³.

Энантиосемиянинг мазмунини худди концепт каби изоҳли луғат орқали аниқлаш мумкин, аммо иккала ҳолатда ҳам бу етарли бўлмайди. Энантиосемия лексикографик манбадан ташқари контекст мавжудлигини кўзда тутаяди, концептнинг мазмунини тўлиқ очиб бериш учун эса энциклопедик луғатлар билан бирга халқнинг маданий қадриятлари, анъана ва урф-одатларини, инсон руҳиятини билиш зарур.

В.М. Фрумкинанинг фикрича, концепт ядро ва перифериядан ташкил топган бўлади. Бунда концепт билан боғланган ассоциатив майдон жуда муҳим ҳисобланади. Шундай экан, концептни таърифлашда ассоциатив мажмуаларни аниқлаш асосий вазифадир. Биз ушбу ишда очиб берган энантиосемиянинг тури сўзнинг ассоциациялари ва уни қабул қилишга асосланади. Инсоннинг предметга нисбатан муайян муносабат (ижобий ёки салбий) шакллантирувчи фикрий фаолияти сўзнинг маъноларини аниқлашда бирламчи роль ўйнайди.

¹Скребцова Т.Г. Когнитивная лингвистика: Курс лекций. — СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2011. – С. 7.

²Маслова В.А. Когнитивная лингвистика: Учебное пособие. – М.: ТетраСистемс, 2004. – С. 6.

³Кубрякова Е.С. Типы языковых значений: семантика производного слова/Е. С. Кубрякова. – М.: Наука, 1981. – С. 31.

Мазкур ишда қайд этилган лингвокогнитив усулларнинг куйидагиларидан фойдаланилди: 1) контекстуал таҳлил, яъни сўзлар ва уларнинг мазмунининг функционал хусусияти кўриб чиқилган, шунингдек, биз ушбу сўзлар иштирок этган бадий матнни таҳлил этдик ҳамда сўзнинг маъноси контекстдан келиб чиқиб ўзгариши кўриб чиқилди; 2) сўзларнинг мазмунини ўрганиш чоғида луғат дефинициялар усули қўлланилди ва унда энантиосемик сўзларнинг маъноларини таққослаш учун рус, ўзбек ва инглиз тилларининг изоҳли луғатларидан фойдаланилди; 3) сўзларнинг семантик таркибини аниқлаш учун компетент таҳлил қўлланилди, яъни қарама-қаршилиқлар кузатилган сўзларнинг семлари ўрганилди.

Семаларни изоҳлаш учун тил материални олиш мақсадида концептуал энантиосемияни аниқлашга қаратилган ушбу усуллардан лингвистик тажриба - эркин ассоциатив тажриба ўтказилди. Ёзма шаклдаги лингвистик интервью - сўров ўтказилиб, респондентлардан стимул сўзига илк хаёлга келган ассоциацияни ёзиш сўралди. Тажриба натижаларига кўра, респондентлар ўз ассоциацияларида кўп фойдаланадиган бир нечта сўзлар гуруҳи аниқланди:

- 1) сўзларнинг бир турлилиги - антонимлар (гуруҳости, тегишлилик);
- 2) мослик;
- 3) эшитилишнинг ўхшашлиги, яъни паронимия.

Иккинчи бобнинг “Энантиосемия турларининг когнитив лингвистика нуқтаи назаридан хусусиятлари” деб номланган учинчи параграфидан уч тилда мисоллар билан лексик, фразеологик, тиллааро, нутқий, метафора, диалектик каби энантиосемия турлари келтирилган ва таққосланган ҳамда янги тур – мурожаат энантиосемия тасвирланган.

Учинчи боб “Инглиз, рус ва ўзбек тилларида энантиосемиянинг лингвокогнитив хоссалари”га бағишланган. Учинчи бобнинг “Лексик ва фразеологик энантиосемиянинг лингвокогнитив хусусиятлари” деб номланган биринчи параграфидан уч тилда мисоллар билан лексик, диахроник, тиллараро, нутқий, метафорик, диалектик, концептуал ва мурожаат энантиосемия турлари келтирилган. Учинчи бобнинг “Энантиосемиянинг янги турлари” деб номланган иккинчи параграфидан энантиосемия турлари ўзбек, рус ва инглиз тилларида қиёсий жиҳатдан тасвирланади. Ушбу параграфда концептуал энантиосемия аниқланган ва исботланган. Бунинг учун сўров ўтказилди. Ушбу тадқиқотда 70 киши иштирок этди. Сўровнома 30 та сўздан ташкил топди, шулардан 10 та сўз рус тилида, 10 та сўз инглиз тилида ва 10 та сўз ўзбек тилида. Респондентлар *стимул* сўзига от, сифат ёки феъл бўлишидан қатъи назар хаёлга илк келган сўзларни (иккитагача) ёзишлари керак эди. Натижалардан ассоциацияларнинг антономик жуфтлари таҳлил қилинди, ва бу концептуал энантиосемиянинг мавжудлигининг исботидир. Сўров ассоциотив усул ва ёзма лингвистик интервью натижаларини семалар билан изоҳлаш орқали амалга оширилди. Иштирокчилар жавоблари уларнинг дунёқараши, рухий ҳолати ҳамда экзаменатор ролидаги сўралган кишига муносабатидан келиб чиқиб фарқланди. Тадқиқот натижаларидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, 5 тадан 30та гача бўлган сўзлардан бир нечтаси салбий коннотацияга эга

бўлишмаган, булар сўровномадаги қуйидаги сўзлар: *бахт, ring* (халка), *қанот* (крылья), *ўсмоқ* (расти) ва *оила* (семья), бироқ, 30 тадан 25 та сўз антоним жуфтликлар эди, ҳатто бир нечтаси туркумларга ажратилди. Натижада биз ишонч билан айтишимиз мумкинки, ҳар қандай сўзга нисбатан турли фикр ва ассоциациялар мавжуд. Фикримизча, концептуал энантиосемия мавжудлиги исботланди.

Энантиосемиянинг янги тури киритилди: мурожаат *энантиосемия*. Энантиосемиянинг ушбу тури асосан ўзбек тилида намоён бўлади. Фикримизча, бу бизнинг менталитетимиз, маданиятимиз билан боғлиқ. Энантиосемиянинг ушбу турини таҳлил қилиб айтиш мумкинки, ўзбек тилида бегона кишига мурожаат қилишда яқин олиб қариндошдай – ака, опа, хола, амки, ўғли, кизим деб мурожаат қилинади. Шунинг учун рус ва инглиз тилларидан кўра ўзбек тили мулоқотнинг дастлабки босқичида ҳам суҳбатдошлар ўртасида яқин алоқа ўрнатади деб айтишимиз мумкин. Рус тилида кишига *молодой человек*ки *девушка*, баъзан *тётя*, *дядя* деб мурожаат қилинади. *Инглиз тилида одатда sir, lady* сўзларидан фойдаланилади. Агар ўзбек тилига тўғридан-тўғри маъноси таржима қилинса, унда суҳбатдошлар ўртасида маълум бир масофа юзага келади, бу эса ўзбек тилида назарда тутилмайди.

Учинчи бобнинг “Энантиосемия таржимасининг когнитив хусусиятлари” деб номланган учинчи параграфидан энантиосемиянинг бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш хусусиятлари таҳлил қилинган. Фразеологик энантиосемик бирлик дастлабки тилга сўзма-сўз таржима қилиш ва агар бу тилда эквивалент йўқ бўлса у билан тимсолий боғлиқ бўлган идиоматик аналогдан фойдаланиш мумкинлиги аниқланди. Шунингдек, фразеологик бирлик нусхаси ёки тушунтиришни қўллаш мумкин. Агар сўзма-сўз таржимаси бўлмаса таржимага изоҳ берилади.

Фразеологик энантиосемия таржимасини тушунтиришда мажозий-ассоциатив хусусияти йўқолиши аниқланди. Энантиосемик сўз ва ифода таржимасида нафақат сўзнинг тўғри маъносини билиш керак, балки асосан контекстга эътибор қаратиш керак. Энантиосемия доим ҳам бошқа тилга худди шундай таржима қилинмайди, чунки таржимада йўқолиши мумкин.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган 200дан ортиқ инглиз ва ўзбек тилларида сўз ва ифода таржималари таққосланган луғатда энантиосемик сўзлар таржимаси таҳлил қилинган. Таъкидлаш лозимки, таржима эквивалентлари қуйидагича ўзгарган: учта қиёсий тилда иштирок этган эквивалентлар, икки тилда ва фақат битта тилдаги эквивалентлар, яъни бошқа тилда аналог кузатилмайди. Қуйидаги инглиз тилидаги сўзларнинг бошқа қиёсланаётган икки тилда аналог мавжуд эмас.

Bolt¹ – to move suddenly or nervously: START; to move or proceed rapidly: =DASH – *олға ташланмоқ, елмоқ, чопмоқ, югурмоқ.*

-to secure with a bolt – *болт билан маҳкамлаш*

bolt the door – *эшикни маҳкамлаш*

¹Macmillian English dictionary for advanced learners, second edition. Black Publishers Ltd. – United Kingdom, 2007. – P. 155.

to attach or fasten with bolts – больт билан қисши.

I bolted it shut from the inside. Мен уни ичкаридан больт билан зичлаб маҳкамладим.


❖ *...but just as they came to the church bridge, the Hessian bolted, and vanished in a flash of fire....* аммо улар черков кўпригига этиб бориши билан, олдинга шошилган Гессиян оташ ичида парчаланиб кетди ва ғойиб бўлди..

